

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
ДЕПУТАТИ



ДЕПУТАТ
Законодательной палаты
Олий Мажлиса
Республики Узбекистан

100035, Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 1-уй

100035, г. Ташкент, улица Бунёдкор, дом-1

№ 14/03-45

« 14 » Февраль 2019 й.г.

Ўзбекистон Республикаси
акциядорлик тижорат
Халқ банки
Бошқаруви Раиси
А.Н.Абдуллаевга

ДЕПУТАТ СЎРОВИ

Жорий йилнинг январь ойининг охириги ўн кунлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан ўз сайлов округларида сайловчилар билан учрашувлар ўтказилди. Учрашувлар жараёнида ҳудуддаги тадбиркорлик субъектлари ва ишлаб чиқариш корхоналарига ҳам ташрифлар ташкил этилди ва уларни қийнаётган муаммолар ҳамда билдирган таклиф-мулоҳазалари ўрганиб чиқилди.

Ўрганишлар давомида сайловчилар ҳудудлардаги бир қатор масалаларни ҳал этишда амалий ёрдам беришни сўрашди.

Жумладан, Сиз раҳбарлик қилаётган соҳага тааллуқли масала Мархамат тумани Турон МФЙ ҳудудда жойлашган “BOBOYEV QURVONALI” оилавий корхонаси томонидан кўтарилди.

Мурожаатда, “BOBOYEV QURVONALI” оилавий корхонаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги “Хар бир оила тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисидаги ПҚ-3777 сонли қарор ижросини таъминлаш ҳамда қиймати 368 миллион сўмлик инвестиция лойихасини, яъни корхона томонидан йилига 2000 дон алюминий профил ва пластиклардан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда 10 янги иш ўринлари ташкил этишни амалга ошириш мақсадида, АТ “Халқ банки” Андижон вилояти, Мархамат филиалига 2018 йил 21 июнь куни 160 миллион сўм имтиёзли кредит олиш мақсадида мурожаат этган.

Лойихани амалга ошириш бўйича тасдиқланган тармоқ жадвалига асосан АТ “Халқ банки” Андижон вилояти, Мархамат филиали томонидан 2018 йилнинг октябрида молиялаштиришнинг очилиши белгиланган бўлсада,

банк томонидан бугунги кунга қадар кредит маблағлари ажратилмаганлиги сабаб тадбиркор томонидан ҳақли эътирозлар билдирилди.

Ҳурматли Абдурасул Неъматович,


Юқоридагиларга асосан Сиздан,

- Андижон вилояти, Марҳамат тумани Турон МФЙ ҳудудда жойлашган “BOBOYEV QURVONALI” оилавий корхонасига АТ “Халқ банки” Андижон вилояти, Марҳамат филиали томонидан 160 миллион сўм кредит маблағларини етказиб берилмаётганлиги сабаблари;

- ушбу соҳада юзага келган муаммони бартараф этиш юзасидан мутасадди ташкилот томонидан режалаштирилган, тайёрланаётган ва амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида “Парламент назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига мувофиқ 10 кунлик муддат ичида юқорида санаб ўтилган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш беришингизни сўрайман.

Ҳурмат билан,

Депутат



А.Хамракулов